



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И  
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-  
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

**Проект**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**  
**Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон**  
**Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш**  
**тўғрисида**  
**VQL-5146/22-3**

Мамлакатда солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш орқали уни соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш, солиқ қонунчилигини бузиш хавфини кескин қисқартиришга қаратилган солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналари бўйича узлуксиз хизмат кўрсатиш, товар-маҳсулотлар захираларининг ҳаракатини ҳисобга олишин автоматлаштириш ва маҳсулотнинг кузатув занжирида тўғри ва ҳаққоний маълумотлар акс эттирилишини таъминлаш мухим вазифа бўлиб қолмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш, яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш ва солиқ маъмуриятчилигининг шаффоғлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлариға қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин:

онлайн назорат-касса машиналарига узлуксиз хизмат кўрсатиш имкониятини яратиш; ҳисобварак-фактурада қўшилган қиймат солиги бўйича солиқ имтиёзи тўғрисидаги маълумотларларни шакллантириш.

2. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А.Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_-сон

қарорига

ИЛОВА

**Солиқ маъмуриятчилиги тacomиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон  
Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва  
кўшимчалар**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада тacomиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарорида:

а) 2-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон Фармони 4-банди иккинчи хатбохисига асосан ҳар йил учун рўйхати тасдиқланадиган олис, етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида аҳоли билан пулли ҳисоб-китобни амалга оширишга доир фаолият билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари фискал хотирали назорат-касса машиналаридан фойдаланадилар.”;

б) 3-илова қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17  
ноябрдаги

306-сон қарорига

3-ИЛОВА

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолияти хусусиятига қўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотираға эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айrim тоифалари

**РЎЙХАТИ**

**1.** Дехкон бозорларида савдо ўринлари ташкил этган холда ўзи ётиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек сўйилган моллар гўшти билан савдо қиладиган (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар бундан мустасно);

**2.** Жисмоний шахслар томонидан товарларни дам олиш кунлари ярмаркаларда, автомобилларни сотиш бозорларида ва бошқа илгари ишлатилган товарларни, шунингдек тирик молларни, паррандаларни, жониворларни ва бошқаларни сотиши.

**3.** Савдо автоматлари орқали товарларни сотиш ва (ёки) хизматларни қўрсатиш.”;

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги 196-сон қарори билан тасдиқланган Эркин иқтисодий зоналар худудида соликлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида Низомнинг 11 банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“11. Дирекция қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) ЭИЗнинг фаолият кўрсатиши ва бошқарилишини таъминлашда:

ЭИЗ худудида маҳсус ҳукуқий режимнинг амал қилишида назоратни олиб бориш; инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш; иштирокчилар томонидан инвестиция битимиға киритилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш; иштирокчиларнинг реестрини юритиш.

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига электрон шаклда қўйидаги маълумотларни тақдим этиш:

юридик шахсларнинг ЭИЗлар реестрига киритилган ва реестридан чиқарилган санаси; иштирокчилар томонидан киритилган инвестиция ҳажми ва инвестиция ҳажмининг оширилган миқдори; иштирокчиларнинг фаолият турлари.”;

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон қарори билан тасдиқланган Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварак-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 8-банди қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

“8. Оператор:

телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга;

ЭҲФларни сақлаш учун мулк ҳукуқи асосида тегишли бўлган электрон ҳужжат айланиши бўйича техник талабларга жавоб берадиган сервер қурилмаларига, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган кўчмас мулк объектларига (бинолар, иншоотлар, хоналарга);

ЭҲФларни шакллантириш, юбориш, қабул қилиш ва сақлаш имкониятини берадиган ахборот тизимиға;

солиқ тўловчиларга 24/7 режимида хизмат кўрсатиш, жумладан, солиқ тўловчилар томонидан электрон ҳужжатларни расмийлаштиришда юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал этиш учун техник ва иқтисодий қўнималари мавжуд камидан беш нафар ходимдан иборат call-марказига;

штат жадвалида жами 20 нафар, шундан олий маълумот ҳамда камидан уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган ахборот технологиялари соҳасида (дастурчи) камидан уч нафар, молия, солиқ ёки бухгалтерия соҳаларида камидан беш нафар мутахассисларга;

5 млрд сўмдан кам бўлмаган устав фондига (устав капиталига) эга бўлиши лозим.

Оператор ушбу бандда белгиланган талаблар тўлиқ бажарилгандан кейин ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.”

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорида:

а) 1-илованинг 7-банди қўйидаги мазмундаги саккизинчи-ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маҳсулот ва хизматларнинг айрим

турлари учун қатъий белгиланган ва тавсия этиладиган ўлчов бирликларини тайинлаш хуқуқига эга. Шу билан бирга, товарлар (хизматлар) нинг анъанавий ўлчов бирликлари устунида уларни кейинчалик акс эттириш учун белгиланган ва тавсия этилган анъанавий бирликлар асосида шаклланган маҳсулот пакетларини яратиш мумкин.

Товарлар (хизматлар) нинг қатъий белгиланган ўлчов бирликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади ҳамда онлайн НКМ ва виртуал касса ёки Маркетплейс орқали шаклланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари томонидан мажбурий акс эттирилиши шарт. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари товарлар (хизматлар) нинг белгиланган ўлчов бирликларига ўзгартириш киритишга ҳақли эмас.

Товар (хизмат) ларнинг тавсия этиладиган ўлчов бирликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади ва рўйхатда биринчи бўлиб товар (хизмат) ларнинг анъанавий ўлчов бирликлари устунида акс эттирилади. Тавсия этилганлардан бошқа товарлар (хизматлар) нинг анъанавий ўлчов бирликларидан фойдаланиш тақиқланмайди.

Товарлар (хизматлар) нинг қатъий белгиланган ва тавсия этилган ўлчов бирликларини ўзгартириш давлат солиқ қўмитаси томонидан мустақил равишда солиқ органларининг ахборот ресурсларига жойлаштирилган маҳсулотлар ва хизматлар Миллий каталогининг электрон версиясига тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда амалга оширилади.

Агар маҳсулотнинг штрих-коди ҳақида маълумот бўлса, шартли бирлик шакллантирилади ва штрих-код олинганидан кейин рўйхатдан ўтган ҳолда унинг қадоқлаш шаклида ўрнатилади.”;

б) 3-иловада:

қуйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“5<sup>1</sup>. Давлат реестридан чиқарилган ТХКМлар томонидан хизмат кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар ўз хоҳишига кўра, мавжуд касса техникаридан келгусида фойдаланиш имконияти билан Давлат реестрига киритилган бошқа ТХКМларга ўтадилар.”;

в) 6-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “.” деган белги “;” деган белги билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи-саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“илгари бошқа ТХКМлар, шу жумладан Давлат реестридан чиқарилган ТХКМлар томонидан хизмат кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари сўровига кўра, хизмат кўрсатишнинг техник параметрларига мувофиқлигини хисобга олган ҳолда, онлайн назорат-касса машиналарига узлуксиз кафолатли техник хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш. Бунда ариза берувчининг онлайн-касса машинаси бошқа ТХКМ томонидан хизмат кўрсатилаётганлиги/кўрсатилганлиги сабабли унга хизмат кўрсатишни рад этиш тақиқланади;

реал вақт режимида солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграцияни амалга ошириш орқали солиқ органларига онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг ишлаши тўғрисида маълумот тақдим этиш;

Маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) Ягона электрон миллий каталогига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларнинг (хизматларнинг) амалда бўлмаган идентификация кодларини онлайн тарзда янгилаш ва фойдаланишга ўйл қўймасликни таъминлаш, бу ҳақда мижозларни уларнинг ахборот тизимларини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашуви асосида мажбурий хабардор қилган ҳолда;

харид қилинган товарлар бўйича электрон ҳисобварап-фактураларда кўрсатилган товарлар (хизматлар) идентификацион кодларини онлайн-НКМ ва виртуал кассада фойдаланиладиган рўйхатга автоматик киритишни таъминлаш.”

г) 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган сўзлардан кейин “икки” деган сўз билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги “икки юз” деган сўз “беш юз” деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “беш юз” деган сўзлар “минг” деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “бир минг” деган сўзлар “икки минг” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 25-бандда:

саккизинчи хатбошидаги “.” деган белги “;” деган белги билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи-ўн учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“илгари бошқа ТХКМлар, шу жумладан Давлат реестридан чиқарилган ТХКМлар томонидан хизмат кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари сўровига кўра онлайн-НКМга узлуксиз кафолатли техник хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича шартномалар тузишни рад этганда;

мазкур тартиб билан белгиланган соҳаларда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция амалга оширилмаганда ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиладиган онлайн-НКМ ва виртуал кассаларнинг ҳолати тўғрисида солиқ органларига реал вакт режимида ахборот тақдим этилмаганда;

Маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) Ягона электрон миллий каталогига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларнинг (хизматларнинг) амалда бўлмаган идентификация кодларини онлайн тарзда янгилаш ва фойдаланишга йўл қўймасликни таъминламаслик;

харид қилинган товарлар бўйича электрон ҳисобварап-фактураларда кўрсатилган товарлар (хизматлар) идентификацион кодларини онлайн-НКМ ва виртуал кассада фойдаланиладиган рўйхатга автоматик киритишни таъминламаслик;

шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда тадбиркорлик субъектига онлайн-НКМга хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш.”;

е) қуйидаги мазмундаги 25<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“25<sup>1</sup>. Ушбу Тартибда назарда тутилган талабларга мувофиқ ҳар бир қоида бузилиши ҳолати учун ТХКМнинг маҳсус захира ҳисобварагидан ваколатли орган фойдасига базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги маблағлар ечиб олинади, бу ҳақда ТХКМга шахсий кабинет орқали хабар қилинади. Бунда, ТХКМ маблағлар ҳисобдан чиқарилган кундан бошлаб уч кун мобайнида ваколатли органнинг маҳсус ҳисобварагида шаклланган захиралар миқдорини ушбу Тартибининг 7-бандида белгиланган миқдорларга етказиб қўйиши шарт.”;

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 авгуstdаги 489-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳисобварап-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом:

а) қуйидаги мазмундаги 10<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“10<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси товар ва хизматларнинг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган ва тавсия этиладиган ўлчов бирликларини тайинлаш ҳукуқига эга. Шу билан бирга, товарларнинг (хизматларнинг) анъанавий ўлчов бирликлари устунида уларни кейинчалик акс эттириш учун белгиланган ва тавсия этилган анъанавий бирликлар асосида шаклланган маҳсулот пакетларини яратиш мумкин.

Товарларнинг (хизматларнинг) қатъий белгиланган ўлчов бирликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси томонидан белгиланади ва расмийлаштирилаётган счёт-фактураларда тадбиркорлик субъектлари томонидан мажбурий акс эттирилиши шарт. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари ва электрон хисобварак-фактура айланмаси тизимининг операторлари товарларнинг (хизматларнинг) белгиланган ўлчов бирликларига ўзгартириш киритишига ҳақли эмас.

Товарларнинг (хизматларнинг) тавсия этиладиган ўлчов бирликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси томонидан белгиланади ва рўйхатда биринчи бўлиб товарларнинг (хизматларнинг) анъанавий ўлчов бирликлари устунида акс эттирилади. Тавсия этилганлардан бошқа товарларнинг (хизматларнинг) анъанавий ўлчов бирликларидан фойдаланиш тақиқланмайди.

Товарларнинг (хизматларнинг) қатъий белгиланган ва тавсия этилган ўлчов бирликларини ўзгартириш давлат солик қўмитаси томонидан мустақил равишда солик органларининг ахборот ресурсларига жойлаштирилган маҳсулотлар ва хизматлар Миллий каталогининг электрон версиясига тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда амалга оширилади.

Агар маҳсулотнинг штрих-коди ҳақида маълумот бўлса, шартли бирлик шакллантирилади ва штрих-код олинганидан кейин рўйхатдан ўтган ҳолда унинг қадоқлаш шаклида ўрнатиласди.”;

б) 14-банди қуйидаги мазмундаги еттинчи-саккизинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

“Кўшилган қиймат солигидан озод этилган товарлар (хизматлар) реализация қилинганда ёхуд қўшилган қиймат солигидан озод этилган шахс томонидан товарлар (хизматлар) реализация қилинганда, хисобварак-фактурада қўшилган қиймат солиги бўйича солик имтиёзи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси қонунчиликка мувофиқ солик органларининг ахборот тизимларида мавжуд маълумотлар асосида хисобварак-фактура шаклида автоматлаштирилган тартибда акс эттириладиган қўшимча маълумотларни киритишига ҳақли.”;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб хисоблансин;

в) Низомга 1 илова қуйидаги мазмундаги устун билан тўлдирилсин:

“\*Кўшилган қиймат солиги бўйича солик имтиёзи тўғрисида маълумот . (имтиёз ID-коди,

солик имтиёзи тақдим этилган норматив-ҳукукий ҳужжат номи, ҚҚСдан озод этилган товар (хизмат), озод этилган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма ва имтиёз суммаси кўрсатилади).

Кўрсатилган маълумотлар солик органларининг ахборот тизимлари маълумотлари асосида автоматлаштирилган тартибда шаклланади.”;

д) Низомга 2-илова қуйидаги мазмундаги устун билан тўлдирилсин:

“\*Кўшилган қиймат солиги бўйича солик имтиёзи тўғрисида маълумот . (имтиёз ID, солик

имтиёзи тақдим этилган норматив-хуқуқий ҳужжат, ҚҚСдан озод этилган товар (хизмат), озод этилган товарларни (хизматларни) реализация килиш бўйича айланма ва имтиёз суммаси кўрсатилади).

Кўрсатилган маълумотлар солик органларининг ахборот тизимлари маълумотлари асосида автоматлаштирилган тартибда шаклланади.”;

**6.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон карори билан тасдиқланган “Кўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солик органларида кўшилган қиймат солиғи бўйича маҳсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг ўн биринчи хатбошиси қўйидаги таҳирда баён этилсин:

“солик қарзи – ушбу низом талаблари доирасида солик тўловчи томонидан тўланиши лозим бўлган, бироқ икки ойдан ортиқ вақт давомида тўланмаган солик суммаси.”.